



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТСИЗ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ КЕЛАЖАГИ ЙЎҚ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 22 сентябрь кuni тармоқ ва ҳудудларда рақамли иқтисодиёт ҳамда электрон ҳукуматни жорий қилиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бутун дунёда рақамли технологиялар барча соҳа ва одамлар ҳаётига жадал кириб бормоқда. Бу йўналишга ўз вақтида киришган давлатлар ривожланиб, аксинча, эскича ишлаганлар тараққиётдан орқада қоляпти.

2020 йил мамлакатимизда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилиниб, бу борада катта ишлар бошланди. Хусусан, 28 апрелда давлатимиз раҳбарининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Видеоселектор йиғилишида шу борада амалга оширилаётган ишлар, жорий йил якуни ва 2021 йил биринчи чорага мўлжалланган лойиҳалар муҳокама этилди.

— Тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари рақамлаштиришсиз натижа, ривожланиш бўлмаслигини тушуниб этиши шарт. Барча даражадаги раҳбарлар буни ўзига кундалик вазифа сифатида белгилаб, рақамлаштириш соҳасини алифбосидан бошлаб чуқур ўрганиши керак, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Жорий йил якуни бўйича ҳар бир тармоқ ва ҳудуд раҳбари рақамли иқтисодиёт соҳасида кескин ўзгариш қилиши зарурлиги қайд этилди. Президент бу янгиланишларни одамлар ўз ҳаётида, бюрократия ва коррупция қамайгани мисолида, давлат хизматларини кўрсатиш тезлашганда сезиши лозимлигини таъкидлади.

Туман ва шаҳар ҳокимлари бир ойда 2-3 кун фақат рақамлаштириш билан шахсан шуғулланиши белгиланди. Уларнинг фаолиятига ҳудудда рақамлаштириш қай даражада йўлга қўйилганига қараб баҳо берилади. Бу соҳада яхши натижа кўрсатган раҳбарларга 30 фоизгача устама жорий қилинади.

Давлатимиз раҳбари ҳар доим, аввало, аҳоли энг кўп тўқнаш келаётган соҳаларни рақамлаштириш, одамларнинг

оғирини енгил қилиш зарурлигини таъкидлайди. Шу талабдан келиб чиқиб, ишчи гуруҳлар томонидан 530 та ҳудудий ва 280 та тармоқ лойиҳаси тайёрланган.

Хусусан, жорий йил якунигача 14 ва келаси йил биринчи чорагида яна 14 туманда одамлар энг кўп мурожаат қиладиган соғлиқни сақлаш, кадастр, ижтимоий ҳимоя, қишлоқ ҳўжалиги, таълим йўналишларини рақамлаштириш бўйича 239 та лойиҳа амалга оширилади.

Масалан, “Электрон поликлиника” тизимини жорий қилиш орқали қоғоз ҳужжатлар 40 фоизга, навбат кутиш 60 фоизга қисқаради. Бунинг учун марказий шифохона ва поликлиникаларни тўлиқ рақамлаштириш лозим.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида электрон тиббиёт картаси, электрон шифохона ҳамда шошилинч тиббий ёрдам тизимлари жорий этилмоқда. Ушбу дастурлар келаси йили Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида йўлга қўйилиши айtilди. Шунингдек, “электрон кундалик”, “электрон дарслик”, “ўқитувчиларни баҳолаш” тизимларини барча ҳудудларда жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига жорий йилда белгиланган 14 туманда ижтимоий муассасаларни тўлиқ рақамлаштириб, қолган ҳудудлар учун намуна қилиш бўйича кўрсатма берилди.

Рақамлаштириш иқтисодиёт тармоқларида тежамкорлик ва самарадорликни таъминлайди. Масалан, Тойлоқ ва Оқдарё туманларидаги шағал кавлаб олиш карьериди машиналарнинг юк ҳажмининг назорат қилиш тизими йўлга қўйилгани натижасида ойлик тушум 3 миллиард сўмдан 8 миллиард сўмга ошган.

Давлат солиқ кўмитасига норуда карьерлардан фойдаланишда “яширин иқтисодиёт”га барҳам бериш,

бунинг учун ер қаъри қавланиши, юк ҳажми ва машиналар ҳаракатини назорат қилувчи электрон тизимларни ишга тушириш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда саноат тармоқларида амалга оширилаётган лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилди.

— Рақамли иқтисодиётсиз мамлакат иқтисодиётининг келажаги йўқ, — дея таъкидлади Президент.

Келгуси уч йилда нефть, газ ва энергетика соҳасида 18 та, металлургия бўйича 12 та, автосаноат тизимида 9 та, кимё саноатида 8 та, тоғ-кон геология тармоғида 4 та рақамлаштириш лойиҳаси режалаштирилган.

Мисол учун, Муборак ва Шўртан нефть-газ қорхоналарида автоматлашган диспетчерлик хизмати жорий этилгани туфайли йилига 50 миллион куб метр газ ва 650 минг киловатт-соат электр энергиясини иқтисод қилишга замин яратилди. Асакадаги автомобиль заводида логистика, харидлар, хомашё ва бутловчи қисмлар ҳаракатини рақамлаштириш орқали 41 миллион доллар тежаш мумкин. Олмалик кон-металлургия қўмбинатидаги “Ёшлик-1” ва “Қўлмоққир” қонларида транспорт комплекси автоматлашган бошқарув тизимини жорий қилиш ҳам шундай самарали лойиҳалардан. Бу орқали йилига 28 миллиард сўм маблағ тежалади.

Президент барча лойиҳаларга масъулларни белгилаб, уларни муддатиди, сифатли бажариш, халқаро молия ташкилотлари маблағларини йўналтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Бош вазир ва унинг ўринбосарларига ўн кун муддатда ўзлари масъул бўлган соҳа ва тармоқларни рақамлаштириш бўйича жорий ва келгуси йил учун режалар ишлаб чиқиш юклатилди.

Рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва унумли ишлатиш, албатта, мутахассисларга боғлиқ. Шу боис, кадрлар тайёрлашга ҳар томонлама аҳамият берилмоқда. Ўтган йили Тошкент

шаҳрида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парки бунёд этилган эди. Андижон ва Марғилон шаҳарларида унинг филиаллари очилди. Пойтахтимида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот технологиялари мактаби ҳудудиди яна бир филиал биноси қурилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ахборот технологияларини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган 205 та мактаб ташкил этилиши режалаштирилган.

Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига жорий йилда 14 та, келгуси йилда 82 та ихтисослаштирилган мактаб ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Тошкент ахборот технологиялари университети ва IT-паркларда ахборот технологиялари ўқитувчиларини тайёрлаш ҳамда уларни сертифицилашнинг миллий тизимини жорий қилиш муҳимлиги қайд этилди. Малака сертификатли оқлан ўқитувчиларга ҳар ойда қўшимча 50 фоиз устама тўланади. Шунингдек, ўқувчиси “Бир миллион дастурчи” курсини муваффақиятли якунлаган мактаб ўқитувчиларини мукофотлаш йўлга қўйилди.

— Бугун қўриб чиқиляётган масала ривожланиш ва халқимиз ҳаётини яхшилаш борасидаги ишларимизнинг энг катта замини, — деди Президент. — Буни барча ҳудуд ва тармоқ раҳбарлари тушуниб, дунёқарашини ўзгартириб, айtilган вазифалар ихросига қаттиқ киришмилари керак.

Бош вазирга муҳокама қилинган чора-тадбирлар ихросини соҳалар ва ҳудудлар кесимида назорат қилиш топширилди.

Видеоселектор йиғилишида ҳокимлар рақамлаштириш лойиҳаларидан халқимизга қандай енгилликлар бўлиши борасида ахборот берди.

Ў.А

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИДЕНТИФИКАЦИЯ ID-КАРТАЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ахборот тизимини жадал ривожлантириш, аҳолига давлат хизматларини кўрсатишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, турли ахборот тизимларида ва масофавий хизмат кўрсатишда шахсни идентификациялашнинг ягона механизмининг жорий этиш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ихросини самарали таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4079-сон қарори билан республиканинг мавжуд биометрик паспорт тизими инфратузилмасдан негизда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспортни ўрнига 2021 йилдан бошлаб идентификация ID-карталарини расмийлаштириш ва бериш тизимини жорий этиш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Кенг жамоатчилик фикрларини ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказининг қуйидаги тақлифларига розилик берилсин:

идентификация ID-карталарини олиш ва алмаштириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ўз ихтиёрига кўра хоҳлаган ички ишлар органларининг миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш бўлинималарига, уларни алмаштириш учун эса давлат хизматлари марказларига ҳам мурожаат қилиш учун имкониятни яратиш;

идентификация ID-карталарини олиш учун Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган манзилдаги ички ишлар органларининг миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш бўлинималарига, алмаштириш учун эса ўз ихтиёрига кўра хоҳлаган ички ишлар органларининг миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш бўлинималарига мурожаат қилиш учун имкониятни яратиш;

идентификация ID-картасининг бланкасида эгасининг миллиати ҳақидаги маълумотлар кўрсатилмасдан ID-картанинг чипига киритилиши;

фуқаро ўз ID-картасини олиш ёки алмаштириш юзасидан ўз вақтида мурожаат қилмаган, яроқсиз ҳолга келтирган ва йўқотиб қўйган тақдирда, маъмурий жавобгарликка тортилмаслиги;

Давоми 2-бетда

Интервью



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧДИР

Бутун дунёда рақамли технологиялар барча соҳа ва одамлар ҳаётига жадал кириб бормоқда. Бу ишларга ўз вақтида киришган давлатлар ривожланиб, эскича ишлаганлар тараққиётдан ортда қоляпти.

2020 йилнинг мамлакатимизда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилингани ҳам бежиз эмас. Zero, сўнгги йилларда юртимизда рақамли технологияларни ривожлантириш борасида катта ишларга тамал тоши қўйилди.

Президентимиз раислигида 22 сентябрь кuni тармоқ ва ҳудудларда рақамли иқтисодиёт ҳамда электрон ҳукуматни жорий қилиш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар ва берилган топшириқлар ихроси юзасидан мутасаддилар қуйидагиларни гапириб берди.



Жамол МАКСУДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазир
ўринбосари:

— Ахборот технологияларини ривожлантириш мақсадида “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси лойиҳаси ишлаб чиқилган эди. Лойиҳа доирасида иқтисодиётнинг барча соҳалари бўйича дастурлар тайёрланди. Вазирлигимиз томонидан махсус ишчи гуруҳ тузилиб, жойларда реал лойиҳалар билан боғлаган ҳолда мазкур стратегияни амалиётга таъбиқ этиш борасида тақлиф қиритиш топширилган эди.

Бу жараёнда ҳар бир вилоятдан иккитадан туман танлаб олинди. Ижтимоий аҳамиятга эга объектлар, яъни мактаб, мактабгача таълим

ташкilotлари, соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларини рақамлаштириш лойиҳалари ҳамда туманни рақамлаштиришга йўналтирилган бошқа лойиҳалар ҳам инобатга олинди. Нафақат туман даражасидаги, балки тармоқ лойиҳалари ҳам қўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари томонидан ҳар бир туман ҳокими иштирокида ишлаб чиқилган мазкур лойиҳанинг ҳудуд миқёсида жорий қилиниши, унинг аҳамияти, фойдали ва самарали жиҳатлари батафсил қўриб чиқилди.

Давоми 2-бетда

Ҳиндистонлик олим:

“БМТДА ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЯНГРАШИ БИЗ УЧУН ҲАМ ФАХРДИР”



“Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 23 сентябрь кuni Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида юқори даражадаги умумсиёсий мунозараларда иштирок этиши ва мустақил Ўзбекистон тарихида БМТ минбаридан биринчи марта ўзбек тилида нутқ сўзлаши қалбимизда фахр туйғусини уйғотди”, — дейди Жамия Миллия Исламия университети ўзбек тили ўқитувчиси, профессор Шаҳид Таслим “Дунё” АА муҳбирига берган интервьюсида.

— Мен ҳаётини ўзбек тилини ўрганиш ва уни ҳинд талаба ёшларига ўргатишга бағишлаган Ҳиндистонлик олим сифатида шуни қайд этишни истардимки, яқин ўтмишда бундай катта минбардан туриб ўзбек тилида

сўзлашни тасаввур қилиш қийин эди, — дея сўзида давом этди суҳбатдош.

Ш.Таслим ўзбек халқининг бой маънавий мероси ҳақида тўхталиб, ўзбек заминиди Амир Темур, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби кўплад дунёга машҳур буюк шахслар ва алломалар туғилиб, фаолият юритганига урғу берди.

— Ушбу алломалар ўз даврида дунё сиёсатида катта таъсир кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда Ўзбекистон раҳбарининг оқилона ташаббуслари дунё ҳамжамияти томонидан муносиб қутиб олинмоқда, — дейди ҳиндистонлик олим. — Фикримнинг тасдиғи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари

раҳбарларининг маслаҳат учрашувлари ўтказиши йўлга қўйиш, БМТнинг “Маърифат ва диний баррикенглик” махсус резолюциясини қабул қилиш, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари бўйича конвенциясини ишлаб чиқиш, Оролбўйи муаммосига эътиборни ошириш ва Афғонистон муаммосини ҳал этиш каби масалаларга оид бешта тақлифининг барчаси тўлиқ амалга ошганлигини таъкидлаш қийфодир.

Ўзбекистон Президентининг навбатдаги маърузасида ҳам халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик қатор масалалар юзасидан муҳим ташаббуслар янграшга ва аҳамияти жиҳатидан улар ҳам жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлишига аминман.

“Дунё” АА,
Дехли



Президент Администрацияси, Халқ қабулхоналари, Бош прокуратура, Олий суд ҳамда ўндан зиёд вазирлик ва қўмита масъуллари очик, шаффоф ва жонли мулоқотлар ўтказиш билан бирга, уйма-уй юриб, аҳоли муаммоларини ўрганди. Шу аснода улар ўзларининг фаолиятларига четдан баҳо бериб, соҳаларидаги масалаларни атрофлича таҳлил қилиш имконига эга бўлди.

Автомобиль йўллари давлат кўмитаси раиси ўринбосари Қораўзақ тумани “Қутли макан” маҳалласи аҳолисининг мурожаатидан сўнг ҳудуддаги тупроқ йўлларда ўзи ҳам пиёда юриб

қўрди. Қадам боссанг, чанг кўтариладиган бу йўлнинг икки ёнида иккита мактаб бор. Нега йиллари ўқувчилар шу чангу лой кўчадан мактабга қатнайди. Мурожаат ўрганилиб, кўчани асфальтлашга киришилди. Ҳадемай мактаб ўқувчилари текис, раван йўллардан ўқишга қатнайди.

Шунингдек, аҳоли мурожаатлари асосида бир кун ичида Тахтакўпри тумани “Қораой” маҳалласининг икки километрли, Қўнғирот тумани Адебият овулидаги ярим километрли ички йўлларга асфальт ётқизилди.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИДЕНТИФИКАЦИЯ
ID-КАРТАЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

янги туғилган болага идентификация ID-карталари мажбурий берилмасдан, унинг туғилиши ФХДЭ органи томонидан қайд этилиб, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома тақдим қилингандан сўнг ота-онаси, васийлари (ҳомийлари) ихтиёрига қўра расмийлаштирилиши.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга қўра: идентификация ID-карталари белгиланган ҳужжатлар қабул қилиб олингандан сўнг 1 иш куни мобайнида расмийлаштириб берилади;

идентификация ID-картасини расмийлаштириш учун муружаат ўзгалар ёрдамига муҳтож қариялар ва ногиронлиги бўлган шахслардан келиб тушганда масъул ходим томонидан 15 кун муддатда ушбу шахсларнинг яшаш манзилига борган ҳолда идентификация ID-картаси расмийлаштирилади ва кўрсатилган хизмат учун қўшимча тўлов ундирилмайди.

4. Қуйидагилар: Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификация ID-картаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсининг идентификация ID-картаси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгиланб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари биометрик паспортлари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахс ва чет давлат фуқароларининг яшаш гувоҳномаларини идентификация ID-карталарига алмаштириш:

биринчи босқичда 2021 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабргача ихтиёрийлик асосида 16 ёшга тўлганда ҳамда қонунчиликда қўзда тутилган бошқа сабабларга қўра;

иккинчи босқичда 2023 йил 1 январдан 2030 йил 31 декабргача мажбурий тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти 2031 йил 1 январдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

6. Белгилансинки: идентификация ID-картасини расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги қонунда белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги ПФ-4262-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом, амалдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти 2030 йил 31 декабргача ҳақиқийдир.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, Адлия вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан бирга 2020 йил 31 декабрга қадар:

Ягона интерактив давлат хизматлари порталида идентификация ID-картасини олиш учун муружаат қилиш, электрон навбатга туриш ва онлайн тўловни амалга ошириш имконияти жорий этилишини;

идентификация ID-картасини олиш учун муружаат этилганда туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг ягона

электрон архиви” ахборот тизими орқали олинишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

а) 2020 йил 31 декабрга қадар:

Фуқаролар давлат хизматларини олиш юзасидан муружаат қилганда ва идоралараро ўзаро электрон ҳамкорликни ташкил қилишда дастурий платформалардан кенг фойдаланган ҳолда идентификация ID-картасидан фойдаланиш имкониятини амалга ошириш учун зарур бўлган имкониятларни татбиқ этиш орқали “Электрон ҳукумат” тизимини модернизация қилсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда фуқаролар давлат хизматлари ва ташкилотларига муружаат қилганда идентификация ID-картасидан фойдаланишни таъминлаш учун зарур бўлган техник ва технологик шароитлар ўрналишини ҳамда жорий этилишини ташкиллаштирилишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, Адлия вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 31 декабрга қадар идентификация ID-картасидан фойдаланишда халқроқ тажрибани ўрганиб, унинг асосида “Электрон ҳукумат” тизимининг давлат ва аҳоли ўртасидаги ўзаро муносабатлари бўйича қўшимча электрон шакллари ишлаб чиқиш, такомиллаштиришни ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш

маркази, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда идентификация ID-карталарини Ўзбекистон Республикасида жорий қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни назарда тутувчи Концепция ва уни амалга ошириш “Йўл харитаси” лойиҳаларини;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ички ишлар вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида Фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини аҳоли орасида кенг ёритилишини таъминласин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 22 сентябрь

Интервью

РАҚАМЛИ
ИҚТИСОДИЁТ
МАМЛАКАТ
ТАРАҚҚИЁТИДА
ҲАЛ ҚИЛУВЧИ
КУЧДИР

Бошланиши 1-бетда



Шавкат УМРЗОҚОВ,
“Ўзавтосаноат”
акциядорлик
компанияси бошқаруви
раиси:

— Бугунги йиғилишда автосаноат тизимида ишлаб чиқаришдан тортиб, савдо ва сервис хизматигача бўлган барча жараёнларни рақамлаштириш орқали сифатни назорат қилиш, маҳсулотга ишончини ошириш, очик-ошкораликни таъминлаш муҳимлиги қайд этилди. Ҳақиқатан ҳам, автосаноат тизимининг ҳар бир бўғинини

рақамлаштирмасдан туриб, соҳани замон талаблари даражасида ривожлантириш ва шаффофликни таъминлаш имконсиздир. Шунингдек, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, янги, замонавий маҳсулотлар тайёрлаш учун соҳанинг тўлиқ рақамлаштирилиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозир автомобилларни сотиш тизими онлайн шаклга ўтган. Лекин бу бошланиши, ҳали соҳада қиладиган ишларимиз жуда кўп. Жорий йилдан бошлаб эҳтиёт қисмлар, савдо ва сервис хизматигача бўлган барча жараёнлар ҳам онлайн тизимга ўтказилади. Бундан ташқари, соҳадаги трансакцияларни назорат қилиш ва шаффофлигини таъминлаш фақат рақамлаштириш орқали амалга ошади.

Шунингдек, йиғилишда таъкидланганидек, Асакадаги автомобилчи заводида логистика, харидлар, хомашё ва бутловчи қисмлар ҳаракатини рақамлаштириш 41 миллион долларни тежаш имконини беради.

тизимига рақамли технологиялари жорий этиш қўзда тутилган. Туманимизда битта ҳудуд ажратилиб, минг гектар жойда томчиллатиб суғоришни амалга ошириш бўйича туркиялик инвесторлар билан шартнома имзоланган. Шу билан бирга, Жаҳон банкининг 200 гектар ерда интенсив бог ташкил этишга йўналтириладиган лизинг маблағлари қариб келяпти. Буларнинг барчаси соҳада рақамли иқтисодиётни қўллаш орқали одамларимизнинг ҳаётини фаровонлаштиришга хизмат қилади.

Йиғилишда билдирилган таклифлар, берилган топшириқлар асосида ўзимизга тегишли хулосаларни чиқариб, олдимизга катта мақсадлар қўйдик. Аввало, туманимизда табибёт, таълим, мактабгача таълим, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа соҳаларга, маҳаллаларга ахборот технологиялари асосланган рақамли иқтисодиётни олиб қирамиз. Бу рақамлаштириш эртага соҳаларда коррупциянинг олдини олиш, етишиб келаётган ёш авлоднинг келажакка ишончини ошириш ва дунёқарабини бойитишга катта қўмак бўлади.

Сайёр қабул

БИР ҲАФТАДА
МИНГДАН ЗИЁД МУАММО
ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Қўнғиротнинг “Ҳоким ота” маҳалласидан оммавий қабулга келган Баҳром Есбергеновнинг муружаатидан кейин ҳудуддаги 1 километр тупроқ йўлга тош ётқизилди.

Мўйноқдаги “Жайхун” маҳалласининг Тентек арна қўчасидан ҳам на одам, на машина юриб бўларди. Бердақ Даўжанов оммавий қабулда маҳалланинг ана шу муаммосига ечим сўради.

— Бу кўчада 7 йилдан буён истиқомат қиламан. Кўчага тез ёрдам машинаси ҳам кира олмайди, — дейди нуроний Бердақ Даўжанов. — Муружаатимдан сўнг йўлсозлар дарров амалий ишга киришиб, маҳалламизнинг бир километрдан зиёд йўлига қўм-шағал тўшаб берди.

Ички ишлар вазирлиги ва Автомобиль йўллари давлат қўмитаси масъуллари Қораўзак тумани марказидан 60 километр олдсдаги Қўйбоқ овули аҳлининг муаммоларини ўрганди. Мулоқотларда, асосан, таъмирталаб йўллар муаммоси кўтарилди. Шу куннинг ўзида овулнинг ички йўли билан бирга, Қўйбоққа элтувчи марказий трассани ҳам таъмирлашга киришилди.

“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти масъулларининг Қораўзакнинг “Қўтти макан” маҳалласидаги аҳоли билан мулоқотларида аён бўлдики, ҳудуд аҳоли электр энергияси таъминотидаги узил-пишлардан зада бўлган. Сабаби, аҳоли сони ортиб, хонадонлар кўпайгач, мавжуд трансформаторнинг қуввати етмай қолган. Сўхбат якунида ҳудудга қўшимча катта қувватли замонавий трансформатор ўрнатиб берилди.

Туманининг Қўралпа овули аҳолисини ичимлик сув муаммоси анчадан бери қўраб келатган эди. Ўзбекистон Бош прокуратури ўринбосари бу муружаатни ўрганиб чиққач, шу куннинг ўзида соҳа мутасаддилари томонидан ҳудуддаги ерости сув манбаи топилиб, обиҳаёт чиқарилди.

“Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти масъулларининг олис овуллар аҳолиси билан мулоқотларида янги сув манбаларини излаб топиш, келгуси йилдаги дастурлар асосида овуллар аҳолисини обиҳаёт билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Сув манбаси йўқ овуллар аҳолисига эса ичимлик сув етказиб бериладиган бўлди.

“Худудгазтаъминот” акциядорлик жамияти масъулларининг Қораўзак тумани марказидан 25 километр олдсда жойлашган Қўралпа овули аҳолиси билан мулоқотларида халққа суолтирилган газ, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга эса бепул газ плитаси ва газ баллонларни етказиб берилди.

Халқ таълими вазири ўринбосари овулма-овул юриб, мактаблардаги аҳволни ўрганди. Шундан сўнг Қўнғирот туманидаги 10-умумтаълим ва Қораўзак туманидаги 32-умумтаълим мактабларига 30 та компьютер жамланмаси совға қилинди.

— Информатика фани дарсини амалий ўтишга компьютер ўрнатилган бос, ўзимнинг ноутбукимдан фойдаланишга мажбур эдим, — дейди ўқитувчи Феруза Ўразбоева. — Энди биз ҳам замонавий компьютерларда дарс ўтадиган бўлдик. Бундан барчанинг қувончи чексиз.

Қораўзакнинг Қораўзак овулидан оммавий қабулга келган Собитулла Мамбеткаримов вазир ўринбосаридан овулда жойлашган 25-мактабдаги муаммоларга ечим сўради. Унинг айтишича, 2016 йили қўрилган янги мактаб биноси 90 ўқувчини сиғдира олади. Овулдаги ўқувчилар сони эса 220 нафардан зиёд. Дарс 2 сменада ташкил этилса ҳам синфхоналар етишмаяпти, спорт зали эса умуман йўқ. Ўрганишлардан сўнг

2021 йилги дастур асосида мазкур мактаб учун қўшимча бино ва спорт зали қуриб бериладиган бўлди.

Олий суд раиси ўринбосари Қораўзакнинг Бердақ, Қўрбон, Акбетли, Оққўл қишлоқларига бориб, аҳоли билан мулоқот қилди. Суд масалалари билан бирга, электр энергияси, таълим ва бошқа соҳаларга оид муаммолар ҳам аниқланиб, уларни ҳал этиш республика ишчи гуруҳи ишлаб чиқарган чора-тадбирлар дастурига киритилди.

Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари эса Қораўзакнинг “Есим” маҳалласидаги беморлар ҳолидан хабар олди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардаги хаста инсонларга дори



воситалари етказиб берилди. Қораўзаклик аҳоли оғир, ижтимоий ҳимояга муҳтож 3 нафар беморни замонавий жарроҳлик усулида даволаш учун 200 миллион сўм маблағ керак. Вазир ўринбосари ушбу маблағни излаб топиш бўйича чора-тадбирлар қўрилишини айтди.

Уч ой аввал Мўйноқда ўтказилган оммавий қабулда ҳудуддаги 77 та хонадон билан боғлиқ катта муаммо ўрганилган эди. Гап шундаки, 77 та хонадонга Мўйноқ туманидаги 1-маҳалладан уй-жой қуриш учун аукцион орқали ер участкалари ажратилган бўлса-да, негадир уларга туман ҳокимининг қарори чиқарилмаган. Камига бу ерлар ажратилиши ва уйлар қурилиши ҳам ноқонуний деб топилиб, одамлар не бир машаққат билан барпо қилган уйлар бузилишига ҳам бир баҳа қолган эди. Муаммо 1,5 йиллик судлашшлардан сўнг ҳам ечимлагач, уч ой олдинги оммавий қабулдаги муружаатларда бу уйларни бузиш ишлари тўхтатилган эди. Утган даврда масала қайта ўрганиб чиқилиб, аҳоли фойдасига ҳал қилинди. Бу галги оммавий қабулда уй эгаларига туман ҳокимининг қарори ва уй-жойни расмийлаштиришга асос бўладиган бошқа ҳужжатлар топширилди.

Элликқалъа туманининг Элликқалъа овулида 700 хонадон узоқ йиллардан буён ичимлик сув муаммосидан қийналиб келади. Ер остидан чиқадиган сув ниҳоятда шўр, ичиб бўлмайди. Шу боис, овул аҳолиси кундалик эҳтиёж учун зарур сувни сотиб олади. Кимингдир бунга қўриб етса, кимингдир имконияти йўқ. Шўр сувни ичишга мажбур бўлган одамлар ўртасида эса турли касалликлар пайдо бўлмоқда. Бу муаммодан чарчаган овул аҳолисининг муружаатидан сўнг ниҳоят маҳаллага тоза сув келадиган бўлди. Амалий ишлар бошлангани эса аҳолининг кўнглини тоғдек кўтармоқда.

“Шўрахон” маҳалласи Тўртқўл тумани марказидан 12 километр олдсда жойлашган. Бу ҳудуддаги қарийб 2,5 мингта хонадон суолтирилган газ ишлатида ва газ баллонларини тўлдириш учун Тўртқўл тумани газ бўлинимасига қатнайди. Лекин бу иш учун ҳамма ҳам транспорт топилавермайди.

Шу ҳудудда ўтказилган оммавий қабулда маҳалла аҳолиси “Худудгаз” акциядорлик жамияти масъулларидан муаммога ечим сўради. Натижада газ баллонлари “Шўрахон” маҳалласидаги хонадонларга олиб келиб бериладиган бўлди. Дастлабки куннинг ўзида Тутзор овули аҳолисига 108 дона газ баллони етказиб берилди.



Мулоқотлар жараёнида таълим, соғлиқни сақлаш масалаларида ҳам қўллаб муружаатлар келиб тушди.

— Бизнинг Элликқалъа туманидаги “Гулистон” маҳалламизда биттагина мактаб бор. У бугун ҳудуддаги ўқувчиларни сиғдиришга торлик қилиб қолган. Шу боис, айрим ўқувчилар 6 километр йўл босиб, қўшни қишлоқдаги мактабга қатнашга мажбур бўлмоқда, — дейди фуқаро Қалдибой Жолимов. — Муружаатимизни Ўзбекистон халқ таълими вазири ўринбосари ўрганиб чиқиб, маҳалламизда қўшимча мактаб қуриб бериш масаласи келгуси йилги инвестиция дастурларига киритилишини айтди.

Элликқалъалик тadbirkор Илҳом Шеримбетов 2018 йилда давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилоти қуриш учун Мактабгача таълим вазирлиги билан битим тузган. 2019 йили эса 100 ўринли болалар боғчаси қуриш учун 15 йил муддатга, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик бир фоиз ставкада кредит олиш бўйича шартнома ҳам тузиб, ўз ҳисобидан қурилишни бошлаб юборган. Бироқ унга ҳалигача кредит ажратилгани йўқ. Илҳом Шеримбетовнинг бу борадаги саволларига Ўзбекистон мактабгача таълим вазирининг биринчи ўринбосари жавоб берди.

Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Тўртқўл тумани “Пахтачи” овул фуқаролар йиғинидаги 40-болалар қишлоқ оилавий поликлиникасида ҳудуд аҳолиси ва шифокорлар билан мулоқотда одамларни ўйлантираётган муаммоларни ўрганди. Мулоқотларда, асосан, ижтимоий муҳофазатга муҳтож оилалар вақиллари хаста фарзандларини даволатишда катта қийинчиликка дуч келаётганини айтиб, бу борада амалий ёрдам сўради.

Қабуллар жараёнида эҳтиёжмандларга ногиронлик аравачалари ҳам топширилди.

Олий суд раисининг биринчи ўринбосарига муружаатлар асосида сайёр суд мажлислари ташкил қилиниб, содир этган жиноятларидан астойдил пушаймон бўлган, жазони ўташда ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган айрим маҳкумлар жазони ўташдан озод қилинди.

Амударё туманидаги Бобур овули аҳолисининг асосий даромад манбаи — томорқа. Бироқ бир йилдирки, зовур қўмиллиб, овулга сув келмай қолган. Суvsиз эса экин-тикин ҳам, даромад ҳам, ҳаётдан розилик ҳам бўлмайди. Овул оқсоқоли Давлатбой Абдуллаев оммавий қабулга овулдошларининг айна шу масаласига ечим излаб келди.

Бош прокуратура масъуллари бу муружаатни ўрганган, амалий ишга киришилди. Зарур техникалар келтирилиб, зовурни қазиб ишлари бошланди. Мутахассисларнинг айтишларича, 4-5 кун ичида мазкур 4 километрни коллектор тозаланиши билан ҳудуддаги 4 мингга яқин оиланинг томорқасига обиҳаёт келиб, рўзгорига барака қиради.

Амударё тумани 2-секторидаги “Бог” маҳалласида яшовчи Бозорбой Молдағалиев оиласи 10 йилдан буён авария ҳолатидаги уйда ҳаёт кечирмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож бу оила рўзгорини аранг тебратадиги, уйини таъмирлашга имкони йўқ. Оммавий қабулга шу масалада ёрдам сўраб келган Бозорбой Молдағалиевга ўзи яшайдиган ҳудуддан 4 сотих ер ажратилиб, ички имкониятлар ҳисобидан уй қуриб бериладиган бўлди. Шу куннинг ўзида уйнинг пойдеворини қўйишга киришилди. Амударё тумани 2-сектори раҳбари изгиринли кўнлар бошлангунча Молдағалиевлар оиласининг янги уйга қўчиб ўтишини таъминлашни ўз зиммасига олди.

Мулоқотлар давомида ичимлик сув, электр энергияси, табиий газ каби аҳолининг энг зарур ҳаётий эҳтиёжлари билан боғлиқ тизимли муаммолар ҳам таҳлил қилинди. Аввалги оммавий қабуллардаги муружаатларнинг амалий натижалари ҳам ўрганилди. Дейлик, туманининг “Олмасор” ва “Янгимобод” маҳаллалари аҳолисини ичимлик сув масаласи анчадан бери қийнаб келарди. Кимдир ер ости сувидан, имконини қилолмаганлар эса дарё сувидан ичишга мажбур эди. Ҳудуд аҳолиси аввалги оммавий қабулларда бу борада муружаат қилган, тегишли дастурлар асосида икки маҳаллада 4,1 километр сув тармоғини тортиш бошлаб юборилди. Энди ҳудуддаги 195 хонадон тоза сувдан баҳраманд бўлади.

“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти масъуллари Амударёнинг “Бўзсув” маҳалласида электр энергияси билан боғлиқ муаммоларни ўрганди. Сўхбат жараёнида аён бўлдики, маҳалла аҳоли электр энергияси таъминотидаги узилпишлардан чарчаган. Бунинг асл сабаби эса аҳоли сони кўпайиб, мавжуд трансформаторнинг қуввати етмай қолганида. Мулоқот якунида “Бўзсув” маҳалласига қўшимча янги трансформатор ўрнатилиб, 21 та эски симёғоч темир-бетон устунларга алмаштирилди. Бу билан қарийб 100 та ҳўжаликнинг электр энергияси билан боғлиқ муаммоси ечим топди.

Бир сўз билан айтганда, бир ҳафта давомида Қорақалпоғистоннинг Нукус шаҳри, Тахياتшо, Бўзатов, Тахтақўллар, Чимбой, Мўйноқ, Қўнғирот, Қораўзак, Тўртқўл, Элликқалъа, Амударё туманларида ташкил қилинган оммавий қабулларда жами 3 мингдан зиёд муружаатчининг 3 минг 76 та масаласи қўриб чиқилди. Уларнинг 1 минг 17 таси жойида ҳал қилинди, 785 та муружаат эгасига тушунтириш берилди, 1 минг 274 та муружаат бўйича аниқ муддат ва масъуллар белгиланиб, назоратга олинди.

Хулоса шукки, фуқароларимиз сайёр қабулга келиб, муаммоларни ҳал этилиб, рози бўлиб кетса, халқимиз келажакка, эртанги кунга бўлган ишончи ортиб бораверади.

Минажатдин ҚўТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ислохотлар самараси

ЯНГИ ҚОНУН: ИШОНЧ, ХОТИРЖАМЛИК ВА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

Улуғбек АСРОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Қарийб тўрт йил мобайнида 108 мингдан зиёд юртдошимизнинг орзуи ушалди. Бу ватанли бўлиш, Ўзбекистонда тенг ҳуқуқли яшаш, ўз уйида доимий рўйхатдан ўтиш орзуси эди. Бугун улар бахтиёр кайфиятда юртимиз тараққиёти йўлида меҳнат қилмоқда. Халқчил ислохотлардан миннатдор. Президентимиз ташаббуси билан фуқаролик масалаларига оид қонунчилик такомиллаштирилгани ҳали яна кўплаб ватандошларимиз ҳаётида тўб бурилиш ясаши табиий.

Ҳап шундаки, мамлакатимизда фуқаролик масаласига, паспорт тизими ислохотларига доир яна бир муҳим тарихий ҳужжат — 28 йил амалда бўлган, бугунги замон талабларига жавоб бермайдиган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонун 2020 йил 13 март куни янги тахрирда қабул қилинди ва 15 сентябрдан тўлиқ кучга кирди.

Мазкур қонун билан қандай янги тартиблар жорий этилди?



Алишер ҲАМРОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:

— Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида фуқаролик масалаларига оид қонунчилигини такомиллаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлаган, хусусан, мамлакатимизда узоқ вақтдан бўён яшаб келаётган, лекин Ўзбекистон фуқароси ҳуқуқий мақомига эга бўла олмаётган юртдошларимизнинг бу муаммосини қонуний ҳал этиш бўйича вазифаларни белгилаб берган эди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 25 октябрдаги “Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди ҳам бу масалага эътибор қаратилганди.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги янги қонун 10 боб, 58 моддадан иборат бўлди.

Эндиликда мамлакатимизда узлуксиз 5 йил яшаган хорижий давлат фуқаролари, агар хорижий давлат фуқаролигидан чиқшини расмийлаштирган бўлса, шунингдек, яшаш гувоҳномасига эга фуқаролиги йўқ шахсларга умумий тартибда, хорижий давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ҳисобланган ватандошларга соддалаштирилган тартибда Ўзбекистон фуқаролиги тақдим этилади.

Алоҳида ҳолларда Президент ташаббуси билан ҳам фуқаролик берилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги йўқотилишига асос сифатида хорижда яшовчи шахснинг узрли сабабларсиз консуллик ҳисобига турмаслик муддати 3 йилдан 7 йилга узайтирилди.

Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиш шарти сифатида давлат тилини мулоқот учун етарли даражада билиш бўйича талаблар киритилди. Бу энг кўп муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Аввало, айтиш жоизки, фуқаролик беришда давлат тилини билишга талаб қўйиш халқаро тажрибада ҳам кузатилади. Мантиқан ёндашганда эса қайсики юрда доимий яшаш истагини билдириб, фуқароликка қабул қилинган шахс давлат тилида мулоқот қилишни билмаса, қандай яшайди ахир?! Албатта, қонунда фуқароликка қабул қилинаётган шахс давлат тилини мукаммал билиши талаб этилмайди, шунчаки мулоқот даражасида билса бўлди. Бу мезонни Вазирлар Маҳкамаси белгилайди ва талаблар тест шаклида баҳоланади.

Қонун билан эр-хотиннинг никоҳдан кейин 1 йил биргаликда яшаш шарти ҳамда шу муддатда ажрашиб кетишса, доимий рўйхатдан чиқариб юборилиш тартиби ҳам бекор қилинди. Эндиликда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан тузилганлик тўғрисидаги

гувоҳномани расмийлаштириш чоғида фарзандни отаси ёки онасининг доимий яшаш жойи бўйича автоматик тарзда Ички ишлар вазирлиги “Манзил” тизими орқали рўйхатга олиш механизми яратилди. Шунингдек, оиллага тарбияга олинган (патронат) шахсларни тўтинган ота-онасининг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйиш имконияти яратилди.

Яшаш жойи бўйича доимий ва вақтинча рўйхатдан ўтмасдан яшаш муддати 10 кундан 15 кунга узайтирилди. Доимий яшовчи ҳамда яшаш гувоҳномасига эга чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг хорижга кетиши учун ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби соддалаштирилиб, қўриб чиқиш муддатлари чет эл фуқаролари учун 7 иш кунни, фуқаролиги бўлмаган шахслар учун 15 кун этиб қисқартирилди. Шу вақтгача чет эл фуқароларига кетиш ҳужжатлари 1 ой, фуқаролиги бўлмаган шахсларга 2 ой давомидида расмийлаштирилган эди.

Мамлакатнинг бошқа ҳудудларида доимий пропискага эга бўлган Ўзбекистон фуқаролари томонидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги янги қурилган уйларида қўчмас мулк олди-сотди шартномаларини расмийлаштириш учун давлат божининг алоҳида ставкаси бекор қилинди. Рўйхатга туриш учун фуқаро эмас, уй-жой мулкдори ўзига қулай ва яқин бўлган ички ишлар органига бориб, шу куннинг ўзида фуқаронинг доимий рўйхатга олинишини расмийлаштириши мумкин бўлади.

Янги қонунда фуқаролик масалаларига доир ишларни юритиш Олий Мажлис ваколатлари доирасига бевосита тегишли бўлмагани сабабли парламент ваколатлари қонун ҳужжатида акс этирилмаган. Эндиликда Олий Мажлис палаталари “Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида”ги қонун ижроси назоратини “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги қонун ҳужжатларига асосан парламент назорати шаклида амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси эса ўз ваколати доирасида давлат бошқаруви тизимига кирувчи идораларнинг фуқаролик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятини ташкил этиш чораларини кўради.



Улуғбек МУҲАМЕДОВ,
Ички ишлар вазирлигининг
Миграция ва фуқароликни
расмийлаштириш
бош бошқармаси бошлиғи:

— Аввало, янги қонундаги энг асосий янгилликлардан бири сифатида 1995 йил 1 январга қадар Ўзбекистонга кириб келган ва доимий яшаш учун рўйхатдан ўтган, чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган ҳамда мазкур қонун кучга киргунгача қадар фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон фуқароси, деб тан олинишини айтиш мумкин. Юртимизда яшаб келаётган фуқаролиги бўлмаган 95 минг 857 шахсдан 49 минг 228 нафарни 1995 йилнинг 1 январига қадар доимий рўйхатдан ўтган. Янги қонун билан эса қолган 50 мингга яқин юртдошимизнинг фуқаролик билан боғлиқ муаммоси ҳал этилиши учун янги имконият пайдо бўлди.

2016 йилга қадар 482 нафар фуқаролиги бўлмаган шахсга фуқаролик берилган бўлса, 2016 йил декабрь ойидан бўён Президентимиз фармони билан 16 мингдан ортиқ юртимиздаги Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлди. Тошкент шаҳрида 68 минг 649, Тошкент вилоятида 23 минг 623 фуқаромиз доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинди.

Янги қонун билан фуқароликни бериш, доимий рўйхатга қўйиш тизимидаги ўзгаришлар, бунинг учун талаб этиладиган ҳуқуқий асос ва зарур ҳужжатлар, қайси идорага ва қай тартибда мурожаат қилиш масаласи бугун кўпчиликини қизиқтираётгани табиий.

Фуқароликка қабул қилиш учун Ўзбекистонда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий истиқомат жойларидаги ички ишлар органлари орқали мамлакат Президентини номига фуқароликка қабул қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилади.

Фуқароликни бериш ва доимий рўйхатга қўйиш тартиби қай тарзда амалга оширилади? Бунинг учун қандай ҳуқуқий асос ва ҳужжатлар талаб қилинади?

Икки нусхадаги ариза-сўровномага хорижий фуқароликдан чиққанлик тўғрисида гувоҳлик берувчи ҳужжат (фуқаролиги бўлмаган шахслардан ташқари), икки нусхада таржимаи ҳол, кун кечиришнинг қонуний манбалари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат (иш жойидан маълумотнома ёки иш ҳақи, пенсия, нафақа, дивидендлар ва кун кечиришнинг бошқа манбалари қўрсатилган бошқа ҳужжат), тўртта фотосурат, оиласининг таркиби тўғрисида иш жойидан икки нусхада маълумотнома, давлат божни тўланганлиги ёки уни тўлашдан озод қилинганлиги ҳақидаги ҳужжат илова қилинади.

Чет элда доимий яшовчи шахслар эса Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиш юзасидан ўзлари яшаб турган мамлакатдаги дипломатия ва консуллик муассасаларимиз орқали Ўзбекистон Президенти номига ариза ва тегишли ҳужжатлар билан мурожаат этадилар.

Ўзбекистон фуқароларига яшаш жойи бўйича доимий рўйхатни расмийлаштиришда паспорт, уй дафтари ёки хонадон картончасига рўйхатга олиш штампини босиш амалиётидан воз кечилиб, доимий рўйхатга эга бўлиш ҳолати рақамлаштирилди.

Электрон доимий рўйхатга олинишни расмийлаштиришда аввалги яшаш жойидан рўйхатдан чиқиш механизми бекор қилинди. Шунингдек, ҳарбий хизматга мажбурларнинг доимий рўйхатни расмийлаштиришдан олдин мудофаа ишлари бўлимларига ҳарбий ҳисобдан чиқиш ва ҳарбий ҳисобга туриш учун бориш тартиби бекор қилиниб, ушбу жараёни идоралараро электрон маълумот алмашинуви дастури орқали амалга ошириш йўлга қўйилди. Масалан, фуқаро Сурхондарё вилояти Денов туманида доимий рўйхатга эга бўлса, Тошкент шаҳрининг қайсидир туманига рўйхатга қўйиш учун аввалги манзилига яна қайтиб бориб, ҳарбий ҳисобдан ва доимий рўйхатдан чиқиши шарт эмас. Бу жараён янги манзилга рўйхатга қўйиш учун мурожаат этган миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими томонидан идоралараро электрон маълумот алмашинуви тизими орқали автоматик тарзда амалга оширади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ички ишлар органларининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматлари томонидан доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш ва рўйхатдан чиқариш тартиблари ҳам соддалаштирилди.

Жумладан, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий яшаш ва вақтинча турган

жойи бўйича рўйхатга қўйганлик ҳамда бошқа қўрсатилган хизматлар учун ундирилган давлат божни билинг тизими орқали амалга оширилмоқда. Эслатиб ўтамиз, шу вақтгача қонунчиликда давлат божни тўланганлиги ҳақидаги квитанцияни тақдим этиш тартиби мавжуд эди.

Бошқа давлатлардан келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишни расмийлаштиришда штамп босиш амалиётидан воз кечиб, урнига QR-CODE билан ҳимояланган қайд варағини бериш ҳамда вақтинча рўйхатга олиш электрон тизими яратилди.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишни расмийлаштиришда Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматларига бориш мажбурияти бекор қилинди. Бунга қадар уй эгаси билан чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ҳам келиши керак эди. Шунингдек, уларни доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш ва рўйхатдан чиқариш жараёнлари рақамлаштирилди. Бунда чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар тегишли ҳужжатларни қоғоз шаклида йиғиб келиб тақдим этиши шарт бўлмади.

Республиканинг бошқа минтақаларида доимий яшовчи ҳамда яшаш гувоҳномасига эга чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вилоятларда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби соддалаштирилди. Энди доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш учун мурожаат этган фуқаро тасдиқланган рўйхатга тушмаган бўлсада, фақат уй эгасининг розилиги етарли бўлади. Шу вақтгача қонунчиликда фақатгина доимий рўйхатга олиниши лозим бўлган шахсларнинг тасдиқланган рўйхати қиритилган фуқароларгина доимий яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтиши мумкин эди.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий рўйхатдан ўтказишда унинг тузилганлиги ҳақидаги, никоҳ тузилганлиги ҳақидаги, ўлим ҳақидаги гувоҳномаларни (агар ушбу гувоҳномалар Ўзбекистонда берилган бўлса) ҳамда кадраст ҳужжатларини талаб қилиш тартиби ҳам бекор қилинди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатда амалга жорий этилган фуқаролик масалаларига оид янги тизим янгиланаётган Ўзбекистоннинг халқаро имолини янада юксалтириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, юртдошларимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши йўлидаги муҳим ислохотлардан яна бири бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 сентябрь куни ўсимликлар карантини соҳасидаги ислохотлар натижадорлиги таҳлилига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлар ва экспорт сиёсатининг асосий мақсади – мамлакатимиз маҳсулотларини жаҳон бозори талабларига мослаштириш. Шунинг учун ўсимликларни ҳимоя қилиш йўналишини ислоҳ қилиб, Ўсимликлар карантини инспекцияси ташкил этилди.

Халқаро стандартларни жорий этиб, экспортга қўмаклашиш, хорижий давлатлар билан битимлар тузиш, **ўсимликлар клиникаси ва биологаториялар ташкил қилиш**, шунингдек, соҳага илм-фани ютуқларини олиб кириб, **малакали кадрлар тайёрлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

Бу борадаги дастлабки қадамлар натижада **19 давлатга 78 хил маҳсулотни экспорт қилиш учун рухсатномалар олинди.** Сертификация учун ўнлаб қоғоз ҳужжатлар ўрнига ягона электрон тизим жорий этилиб, **экспортчиларнинг аризаларини кўриб чиқиш муддати 10 кундан 1 кунга туширилди.**

Литва, Латвия, Украина, Озарбайжон, Миср, Қатар, Мўғулистон, Афғонистон ва бошқа давлатлар билан музокара ўтказиб, гилос, анор, узум, қовун каби **мева-сабзавотлар экспорт учун тадбиркорларга йўл очиб бериш вазифаси белинди.** “Даладан экспортгача” **тамоили бўлган тўлиқ ишлашни таъминлаш** зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари бу бўйича йирик илмий марказ ташкил этиш тақлифини илгари сурди. Фан билан амалиёт уйғунлигини таъминлаш, **экспорт корхоналар мутахассисларига халқаро фитосанитар талабларни тушунтириш бўйича топшириқлар берилди.**

Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини илмий марказини тубдан ислоҳ қилиб, замонавий лабораторияларга эга бўлган **Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида ҳамда Фарғона vodiysida марказлашган илмий муассасалар ташкил қилиш бўйича топшириқлар берилди.**

Янги экспорт бозорлари топиб, маҳсулотларни ҳозирги нархидан 3-4 баравар қийматроқ сотиш имконияти борлиги айтилди. Товарларни халқаро фитосанитария талаби асосида тайёрлаш учун маҳсулот етиштирувчи, қадқолловчи ва экспорт қилувчи **ҳар бир корхонага карантин инспекторларини бириктириш бўйича кўрсатма берилди.**



Иновацион ривожланиш вазирлигига мазкур илмий марказларни ривожлантиришга грант маблағларини йўналтириш вазифаси қўйилди. Инвестиция ва ташқи савдо вазирлигига икки ой муддатда илмий марказ ва ҳудудлардаги лабораторияларни жиҳозлашга **50 миллион доллар микдоридаги маблағларни жалб қилиш топширилди.**

Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларида ҳам **халқаро фитосанитария талаблари ўқитилади.**

Бугун соҳада хусусий сектор иштирокида **ўсимликлар 205 та клиникаси, 690 та биологатория мавжуд.** Сифат ва рақобатни таъминлаш мақсадида бундай хусусий **клиника ва биологаторияларни қўпайтириш лозимлиги таъкидланди.**

Ўсимликлар карантини давлат инспекциясига **1 декабрга қадар ўз маълумотлар базасини божхона органларининг “Ягона дарча” электрон тизимига тўлиқ интеграция қилиш вазифаси қўйилди.**

Қарор ва ижро

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ — АСОСИЙ МЕЗОН

объектларда давлат қурилиш нazorати қандай амалга оширилади?

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мамлакатимизда қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасида шаҳар ва қишлоқлар аҳоли пунктларининг замонавий архитектура қиёфасини шакллантириш, уй-жой ва ижтимоий-маиший қурилишни жадал ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини реконструкция қилиш ҳамда янгилаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Назорат ҳар жабҳада керак. Аммо архитектура ва қурилиш соҳасида бу тушунча сув ва ҳаводек зарур. Маълумотларга кўра, қурилиш соҳасини назорат қилувчи инспекциялар томонидан 2016 йилда 20 863 та, 2017 йилда 32 257 та ва 2018 йилда жами 36 938 та объектга қурилиш-монтаж ишлари учун рухсатнома берилиб, назорат ишлари амалга оширилган. Бу эса йилдан-йилга қурилиш объектлари сони ортиб бораётганидан далолат беради.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 20 августдаги “Объектларда давлат қурилиш нazorатини амалга ошириш бўйича маъмурий регламент ҳамда объектларнинг хавф-хатарлар тоифалари таснифини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан объектларда давлат қурилиш нazorатини амалга ошириш бўйича маъмурий регламент тасдиқланган.

Унга кўра, Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ва ҳудудий инспекциялар бино ва иншоотларни қуриш ва реконструкция қилишда объектнинг мустаҳкамлиги, хавфсизлиги, сифати, зилзилабардорлиги ва фойдаланишда ишончилигини

таъминлаш бўйича мажбурий талаблар белгиланган ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар ва техник тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқлиги юзасидан давлат қурилиш нazorатини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

— Мазкур меъёрий ҳужжат билан Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ва ҳудудий инспекцияларнинг мансабдор шахслари — инспекторларининг объект қурилиши бўйича давлат қурилиш нazorатини амалга оширишда асосий вазифалари белгилаб берилди, — дейди инспекция мутахассиси Муҳаммадjon Мўмин-жонов. — Шунингдек, давлат қурилиш нazorатини амалга оширишда ҳудудий инспекцияларни хабардор қилган ва хабардор қилмасдан олиб борилган қурилиш объектларини назорат қилиш тартиблари ҳам кўрсатиб ўтилди. Яъни республика ҳудудига қурилиш-монтаж ишларини бошлаш тўғрисида хабарнома юбориш талаб этиладиган қурилиш ва реконструкция объектлари давлат томонидан мажбурий тартибда давлат қурилиш нazorатига олинади.

Холислик ва шаффофлик

Албатта, текширув жараёни холислик ва шаффофлик билан ўтсагина ҳақиқий назорат деярли эътироф этилиши мумкин. Давлат қурилиш нazorати қонунийлик, холислик, ошқоралик, шаффофлик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, шаҳарсозлик фаолияти субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмаслик принципларига риоя этган ҳолда амалга оширилади.

— Давлат қурилиш нazorати субъектнинг молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда қуйидаги турларга бўлинади, — дейди Муҳаммадjon Мўминжонов. — Биринчиси, ҳудудий инспекциялар рўйхатдан ўтмаган объектларда қисқа муддатли инспекторлик нazorати — белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни

хабардор қилган ҳолда амалга оширилади. Иккинчиси, ҳудудий инспекцияларда рўйхатдан ўтган объектларда давлат қурилиш нazorати — ваколатли органи хабардор қилмаган ҳолда тўсқинликларсиз объектларнинг мураккаблик тоифалари таснифига асосан танлаб, назорат қилинади.

Учинчиси, архитектура, лойиҳалаш ва бош режаларга риоя этилиши юзасидан амалга ошириладиган давлат қурилиши текширувдан ўтказилади.

Қурилиш нazorатини амалга ошириш буюртмачининг объект қурилиши ёки реконструкциясини бошлашга рухсат олиш учун Давлат хизматлари марказига ариза билан муружаат қилишдан бошланади. ДХМ эса аризани тегишлилиги бўйича ҳудудий инспекцияга юборади. Ҳудудий инспекция бир иш куни мобайнида аризани рўйхатдан ўтказиб, объектга мутасадди инспекторни бириктиради. Инспектор қурилиш ёки реконструкция ҳудудига чиқиб, жараёни



ўрганади ҳамда бино қисмини техник кўриқдан ўтказиш бўйича буюртмачига ёзма кўрсатма беради. Ушбу мутахассис уч иш куни давомида объектда тизимли давлат қурилиш нazorатини амалга ошириш ишларини белгиланган тартибда иш режасига қиритгач, назоратни ўрнатади. Текширув давомида натижаларни пудратчининг

иш юритиш дафтарига киритиб боради. Агар у объект қурилиши ёки реконструкция ишларида белгиланган меъёрларнинг бузилиш ҳолатларини аниқласа, камчиликларни бартараф қилиш бўйича ёзма кўрсатма расмийлаштиради ва назорат ўтказилгандан сўнг бир иш кунига пудратчига тақдим этади.

Маъмурий регламент нима?

Қарорда акс этган маъмурий регламентда давлат қурилиш нazorати, инспекторлик текширувлари, қурилиш босқичи, хавф, шаҳарсозлик субъектлари, қурилиш тугалланмаган объект, қойдабузарликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар каби асосий тушунчалар ўз аксини топган. Бундан ташқари, унда ҳудудий инспекциялар рўйхатидан ўтган объектларда назорат функциялари ваколатли органи хабардор қилмаган ҳолда ҳеч қандай тўсқинликларсиз объектларнинг мураккаблик тоифалари таснифига асосан назорат ишларини олиб бориш, инспекция ва ҳудудий инспекциялар архитектура, лойиҳалаш ва бош режаларга риоя қилиш устидан

давлат назорат функцияларини қай тартибда амалга ошириш, назорат жараёни келтирилган.

— Қурилиш-монтаж ишларида давлат нazorатини амалга ошириш Россия ва Беларусь тажрибасидан, давлат қурилиш нazorатини амалга ошириш тартиби қурилиш объектларнинг хавф-хатар тоифасидан келиб чиққан ҳолда белгиланди, — дейди Муҳаммадjon Мўминжонов. — Инспекция ваколатига лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар ва рухсат берувчи ҳужжатларни тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш масалаларини ҳал қилиш юзасидан тегишли органлар ва ташкилотларга тақдимномалар юбориш киритилди. Шунингдек, объектларда бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлар қўлланилгани аниқланган ҳолларда, қурилиш материаллари ва буюмлар ишлаб чиқариш, сотиш ва қўллашни тўхтатиб туриш ҳақида тегишли орган ва ташкилотларга тақдимномалар юбориш ҳуқуқи берилди.

Бир сўз билан маъмурий регламентни инспекциянинг ишлаш тартиби, дейиш мумкин. Тўғри, илгари ҳам регламент тушунчаси амалда бор эди. Лекин ушбу янги қарор билан қурилишда давлат нazorатининг ўрни ва аҳамияти янада мустаҳкамланди, назоратни қай тартибда ўтказиш бўйича кичик деталларгача пухта ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этилди. Бу эса объектларнинг замон талабларига мос равишда қурилишига замин яратди.

Пахта — 2020

МАВСУМ ОИЛА БЮДЖЕТИГА ФОЙДА, РЎЗБОРГА БАРАКА КЕЛТИРАДИ

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ишлари уюшқоқлик билан жадал суръатларда бошланди. Бунда нафақат фермер хўжаликлари ва кластер корхоналари ишчи-хизматчилари, балки қўшимча даромад топиш мақсадида иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳам ихтиёрий равишда фаол иштирок этмоқда.



Бу бежиз эмас, албатта. Чунки давлатимиз томонидан пахта йиғим-теримида фаол қатнашаётган теримчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 сентябрдаги “2020 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ишларини уюшқоқлик билан ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сир эмас, қаердаки моддий манфаатдорлик бўлса, ўша ерда ишнинг унуми, қилинган меҳнатнинг самараси ўзини кўрсатади. Бугун пахта далаларида меҳнат қилаётган ҳар бир теримчига терган пахтасининг пули ўша куннинг ўзиде, дала бошида берилаётгани, илгор теримчилар қўшимча рағбатлантирилаётгани уларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшиб, ўзаро соғлом рақобатнинг шаклланишига замин яратмоқда.

Бугун далага қирадиган ҳар бир фуқаронинг меҳнат муҳофазаси таъминланмоқда. Шу билан ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ишга яраша ҳақ олишлари ҳам икки томонлама шартномада белгилаб қўйилди. Терим мавсумидаги янгича ёндашув жойлардаги пахта штаби аъзолари томонидан фуқароларга ёқказилмоқда ва бу саъй-ҳаракатлар ўз натижасини ҳам кўрсатяпти.

Ғалла ва пахтачиликда бой таърибга эга Сурхондарё вилояти ахли 244 минг 800 тонналик “оқ олтин” хирмонини яратиш мақсадида 74 минг гектардан ортиқ майдонга чигит қаданган. Утган давр мобайнида ғўзани култивация қилиш, минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиклантириш, суғориш, зараркунандаларга қарши курашиш, дефолиация тадбирларини белгиланган вақтда сифатли амалга оширишга эришилди.

Яна бир мавсумий шайлик — дехқоннинг яқин кўмакчиси бўлган қишлоқ хўжалик техникаларини мавсумга тайёрлаш борасида ҳам аниқ режа асосида иш олиб борилди. Теримга жалб қилинадиган 1124 дона пахта ташиш транспорти, 1603 дона тиркама шай ҳолатга келтирилди.

Вилоятда 1518 та терим отряди

тузилди. Отрядлар таркибига 10 минг нафарга яқин уюшмаган ва “темир дафтар”га киритилган 8 минг нафардан ортиқ фуқаро бор.

Ангор туманида ҳам жорий йилда 31 та фермер хўжалиги ва “Ангор Сурхон ғурури” МЧЖ кластер корхонаси томонидан 6 минг 700 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирилди.

Ҳосилни йиғиб-териб олиш мақсадида 110 та терим отрядида 14 минг 753 нафар теримчи билан иш берувчи ўртасида икки томонлама шартномалар имзоланди.

— Айни кунларда жамиятимиз томонидан мавсумини тез ва сифатли ўтказиш мақсадида 150 та хорижий техника, 300 га яқин агрегат харид қилинди, — дейди “Ангор Сурхон ғурури” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шухрат Сафаркулов. — Мавсумда тўлиқ ўзимизни ўзимиз техника воситалари билан таъминлаймиз.

Йиғим-терим мавсумини уюшқоқлик билан, ёгин-социлли кунларга қолдирмасдан ўтказиш учун барча чора-тадбирлар қўрилган. Энг муҳими, теримчиларга муносиб шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Бундан ташқари, мавсумда муносиб иштирок этган теримчилар кластер томонидан қўшимча рағбатлантирилади. Теримчиларнинг иссиқ овқати, тиббий ёрдам, карантин талабларига риоя қилиш борасида зарур чора-тадбирлар қўрилган.

— Утган йили ҳам пахта теримида иштирок этган эдим, — дейди теримчи Гузал Бобоева. — Лекин бу йилги шароитлар менга маъқул бўлди. Мавсумнинг олдинчиларидан фарқи жиҳати шуки, кунлик норма белгиланмаган, иш берувчи билан тузилган шарномада



барча ҳуқуқларимиз белгиланган. Яна бир муҳим жиҳати, тиббиёт ходимларидан иборат гуруҳлар даланнинг ўзиде теримчиларнинг соғлигини мунтазам назорат қилиб боради. 4 фарзандим бор. Турмуш ўртоғим вафот этган. “Темир дафтар”да рўйхатда тураман. Давлатимиз томонидан кўрсатилган барча моддий ва маънавий ёрдам учун миннатдорман. Пахта мавсуми биз каби фуқаролар учун яхшигина даромад манбаи. Бу йил ишлаб топган пулимга уй-жойимни таъмирлаш, қизимни турмушга узатишни режа қилганман.

— Кунлик ишларда 30-35 минг сўм учун ишлаб келаётган эдим, — дейди теримчи Фотима Хусанбоева. — Мавсум бошлангандан буён кунига 100 килограммдан ошириб пахта теряман. Бу эса бир ойда 3 миллион сўм дегани. Даромадимга болаларимнинг киши киийим-кечагини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳамлаб олоқчиман.

Жорий йилда Сурхондарё вилоятида пахта йиғим-терим мавсумига 175 минг нафардан ортиқ теримчи жалб этилиши режалаштирилган. Уларнинг ётоқ жойлари, овқатланиш ва дам олиш шароитлари карантин талаблари асосида ташкил этилади.

— Бу йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш учун эҳтиёжманд ва “темир дафтар”га киритилган оила-лар вакиллари, уй бекалари, хориждан қайтган меҳнат мигрантларидан иборат терим отрядлари шакллантирилди, — дейди Ангор тумани аҳоли бандлигига кўмаклашувчи маркази директори Азиз Йўлдошев. — Туманимизда теримга жалб қилинган аҳолининг барчаси билан фуқаролик шартномалари имзоланди. Бу шартномада теримчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, биринчи ва иккинчи теримда белгиланган пул миқдори аниқ қилиб кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, улар даланнинг ўзиде фермер ва кластерлар томонидан бепул иссиқ овқат билан таъминланиши ҳам белгиланган. Бундан ташқари, ҳар бир теримчининг тиббий ҳолати ҳам назоратга олинади.

Бир сўз билан айтганда, бугун мамлакатимиз пахта хирмонининг юксалишига ҳисса қўиш мажбурий меҳнат эмас, балки оила бюджетига фойда, рўзборга барака келтирадиган даромад манбаига айланиб бормоқда. Асосийси, бунини теримчиларимиз ўз фаолияти, меҳнати ва ҳаётида чуқур ҳис этмоқда.

Музаффар АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Миннатдорлик

2010 йили 8 ноябрда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳри судининг ҳукми билан 11 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган эдим. Ўтган давр мобайнида бошимдан ўтганларни эслашни ҳам истамайман. Қилган хатоларимни тўрт девор орасида тўғри тушуниб етдим. Англаган ҳақиқатим шу бўлдики, озодликнинг қадр-қимматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

АФВ — ВИЖДОНЛИ ЯШАШ ИМКОНИЯТИ

Ундан самарали фойдаланиб, Ватаним ривожига ҳисса қўшаман

Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги муносабати билан Президентимиз имзолаган “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармонга мувофиқ, белгиланган муддатдан аввал озод қилинганим ҳаётимдаги унутилмас воқеали бўлди. Уша кунни оилам, ота-онам ҳамда яқинларим жуда қувонди.

Шукр, бугун бахтлиман, барча қийинчиликлар ва ўтмишдаги оғир хатолар ортда қолди. Ҳозир ҳар кунни эрта тонгни оилам билан қарши олапман. Хотирам меҳнат қилган, бараккага йўғрилган ҳар бир кунимизга шукрона айтаман. Жамиятда ўз ўрнини топишим учун туман ҳокимлиги, маҳалла-қўй, жамоатчилик вакиллари, нуруний отахонлар ва яқинларим, оилам ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда.

Яқинда Бектемир тумани ҳокимлигида ўтказилган учрашувда туман ҳокими билан мулоқот қилдим. Тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўлимида тақдирларимни билдирдим. Ҳамкорликда режаларни амалга ошира бошладик.

Ҳозирги кунда “Шах Хаус” масъулияти чекланган жамияти директоринман. Фаолиятим курилиш соҳаси билан боғлиқ. Қўл остида 60 нафар фуқаро хизмат қилмоқда. Айни пайтда жамоамиз билан Сирдарё вилоятининг Сардоба туманида янги уйлари қуриш жараёнида фаол иштирок этаймиз. Ҳадемай юртдошларимиз учун қурилаётган шинам ва замонавий уйлари фойдаланишга топшираимиз. Ушбу хайрли ишда жамоамиз билан фаол иштирок этаётганимдан жуда ҳам мамнунман.

Бугун Ўзбекистон ўз танлаган йўлидан тараққиёт сари шиддат билан одимламоқда.

Шомансур ИЛҲОСОВ

Бектемир тумани

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

УСТОЗЛАРИ УЛУҒЛАНГАН ҚУДРАТЛИ ЮРТ



Фируза МУҲИТДИНОВА, ТДЮУ профессори, юридик фанлар доктори

Инсоннинг қомил шахс, етук касб эгаси бўлиб вояга етиши, жамиятда ўз ўрнини топишида устоз-муаллимларнинг ўрни бекиёс. Бугун ким, қаерда, қандай вазифада ишласин, албатта, мактабда ўқиган, устозлар тарбиясини олган. Илк бор таълим муассасасига қадам қўйган кун, қўлига қалам бериб, ёзишни, ўқишни ўргатган ўқитувчисини эсламайдиан одам топилмас керак.

Ўқитувчилик азал-азалдан эътиборли касб ҳисобланади. Устоз улуғланган юртнинг келажиги порлоқ бўлиши ўтмишдан ҳам аён. Давлатчилигимиз тарихида энг катта обрў ва мавқега ўқитувчи, устоз ва мураббийлар эга бўлган айни ҳақиқат. Уларни эъзозлаш, берган билимларини оқлаш эса ҳар биримизнинг бурчимиздир. Алишер Навоий таъбири билан айтганда, *Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг*.

Бугун юртимизда ўқитувчи, муаллим давлат эътиборида, ҳурмат ва эҳтиромдадир. Янгиланаётган Ўзбекистоннинг фидойи, заҳматкаш устоз-мураббийлари ўз шоғирдларига билим бериш баробарида улар қалбига инсонга хос энг гўзал эзгу хислатлар, меҳр-оқибат ва одамийлик туйғуларини сингдириши билан ҳам қадрлидир. Барча соҳада иқтисоди, маҳорати, билим ва салоҳияти билан юқори натижаларга эришиб келаётган ёшларнинг муваффақиятлари ортда, аввало, фидойи устозларнинг меҳнати ётибди, десак муволафа бўлмайди.

Давлатимиз раҳбарининг ўқитувчиларга қарата: “Сизларнинг ёшларимиз қалби ва онига она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини сингдириш, уларни турли таҳдидлардан асраш, қомил инсон этиб вояга етказиш йўлидаги бекиёс хизматларингизни барча ота-оналар, жамоатчилигимиз, бутун халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди”, деган сўзлари ҳар бир ўқитувчига ғурур бағишлайди. Президентимиз таъкидлаганидек, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт олдимида қўяётган бир-биридан мураккаб ва муҳим масалаларни ҳал қилиш ҳақида ўйлар эканмиз, уларнинг ечим

Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлур, Билим қайда бўлса, буюклик бўлур.

Юсуф Хос ҲОЖИБ



Давлатимиз раҳбари 2018 йил 21 июнда халқ таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ўқитувчининг обрўсини оширишга бағишланган видеоселектор йиғилишида: “Ўқитувчини ҳурмат қилмагани мен ҳам ҳурмат қилмайман”, деб алоҳида таъкидлаганининг ўзи уларга берилган юксак баҳодир.

айнан таълим-тарбия билан, ёшларнинг дунёқарашини замонавий билим, юксак маънавият ва маърифат асосида шакллантириш билан боғлиқ эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Айни дамда ўқитувчи ва мураббийлар касбини улуғловчи концептуал ғоялар орқали улар онгига таълим-тарбия соҳасидаги ислохотларнинг мазмун-моҳиятини сингдириш, хорижий тиллар ва замонавий АКТ воситаларини пухта ўрганиши учун яратилган шарт-шароитлардан самарали фойдаланиш, таълим тизимидаги ўзгаришлар тараққиётимиз ва фаровон ҳаётимизнинг мустақкам пойдевори эканини амалга оширишда ислохотлар мисолида барчамиз кузатиб, ҳатто иштирокчи сифатида қўшиб турибмиз. Бу ишларнинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” давлат дастури доирасида амалга оширилаётгани келажак авлод таълим-тарбияси мамлакат сиёсатининг устувор йўналишига айланиб қолмоқда.

Мамлакатимизда таълимин ривожлантириш замонавий илм даргоҳларини бунёд этишдан бошланади. Сўнгги йилларда юртимизда дунё стандартларига жавоб берадиган, хусусан, Темурибеклар ва Президент мактаблари, ихтисослаштирилган ҳамда олий ўқув масканлари, иход мактаблари, лицей, коллежлар қурилиб, мавжудлари қайта таъмирланди.

Республикамизнинг барча вилоят ва шаҳар-туманларида, узок ҳудудларда ҳам мана шундай гўзал илм даргоҳлари бунёд этилди. Ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган Мухаммад ал-Хоразмий номидаги мактаб, Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати, Астрономия ва аэронавтика боғи ташкил этилгани, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда таълим сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтаришга хизмат қилади. Ана шундай таълим даргоҳларида тахсил оладиган фарзандларимизга ҳавас билан боқамиз. Қалбларда бугунги нурафшон кунларга шукроналик туйғуси мавж уради.

Бирор касбга қизиқиб, уни мукаммал эгаллаётган ёшларимиз дунёнинг етакчи давлатларида ўз қобилиятини кўрсатаётганини кузатиб: “Офарин, қойил, Устозингга раҳмат, мактабингга раҳмат”, деймиз. Юртимизда яшаётган ҳар бир ватандошимизнинг ютуғи ва муваффақиятидан нафақат ўзлари, балки уларнинг устоз ва ота-оналари, бутун юрт одамларининг қалбида ғурур, юзларида сурурни кўрамыз. Зеро, ёшларнинг теран маънавият, юксак интеллектуал салоҳият соҳиб бўлиб қамолга етиши кўп жиҳатдан фидойи устозлар, касбига содиқ ўқитувчилар, жонқуяр мураббийларга боғлиқ.

Ўзбекистонда 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида айни жиҳатлар яна бир қарра ўзининг ёрқин ифодасини топомқда. Таълим-тарбиянинг асосий

таянчлари бўлган ўқитувчилар меҳнатини қадрлаш, уларга ҳар жиҳатдан ғамхўрлик кўрсатиш мамлакатимизда устувор вазифалардан бирига айланди.

Давлатимиз раҳбари 2018 йил 21 июнда халқ таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ўқитувчининг обрўсини оширишга бағишланган видеоселектор йиғилишида: “Ўқитувчини ҳурмат қилмагани мен ҳам ҳурмат қилмайман”, деб алоҳида таъкидлаганининг ўзи уларга берилган юксак баҳодир.

Ўқитувчи барча замоналарда ҳам софдил, қамтарин, маънавий бой, ахлоқий пок инсон сифатида бошқаларга намуна бўлиб келган. У ақл-идроки, билим ва эҳни, қалб қўриу сеҳрини ёш авлодга бера

Ислоҳот

IT-PARKлар иқтидорли ёшларни қорлайди



Худойберди КАРИМОВ

“Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишимиз энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда.

Албатта, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш керакли инфратузилма, маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш — келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади”, деган эди Президентимиз Олий Мажлиси Мурожаатномасида.

Ҳа, мамлакатимизда иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига рақамли технологиялар тобора чуқуროқ кириб келмоқда. Бу борада кўзда тутилган режа ва лойиҳаларни амалга оширишда эса технопаркларнинг ўрни бекиёсдир. Зеро, улар юқори технологияларга асосланган маҳсулот ёки

хизматларни тақлиф этувчи корхоналар, бизнес инкубаторлар, илмий ишлаб чиқариш марказларини бир ҳудудда бириктиришдан энг замонавий ва тан олинган ноу-хау саналади. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майда қабул қилинган “Республика ҳудудларида ёшлар технопаркларини

ташқил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, 2023 йилга қадар республикамизнинг ҳар бир ҳудудида, жумладан, Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов, Дўстлик ва Зомин туманларида шундай технопарклар ташқил этилиши кўзда тутилган. Мирзаўлда эса туман ёшларининг илғор технологиялар ва илм-фанга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ахборот технологиялари маркази бунёд этилмоқда.

Гагарин шаҳрининг энг диққатга сазовор нуқталаридан бирига айланиши режалаштирилган ушбу марказ ва у жойлашган Ёшлар истироҳат боғи қурилиши учун 12 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Ушбу маблағнинг 5 миллиард сўми тадбиркорлар, қолгани эса маҳаллий бюджет ва ҳомиёлар ҳисобидан қопланади, — дейди туман ҳокими ўринбосари Фурқат Раҳматов. — Бугунгача 2 та мўъжаз қаҳвахона, кутубхона, спорт зали, тир, ўқ отиш майдони, 8 та аттракцион, фаввора ҳамда сузиш ҳавзаси каби қўшимча шохобчаларга эга бўладиган хиббонда 4 миллиард сўмликдан ортқ маблағ ўзлаштирилиб, 80 фоиз ишлар якунига етказилди.

IT-парклар ўз зиммасига оладиган вазифалардан бири истиқболли стартап лойиҳаларни ишлаб чиқиш, уларни бозорга тақлиф этиб, фан ва таълим соҳасига интеграциялашдан иборат. Вилоят марказида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Жиззах шаҳри кенгаши ташаббуси билан ёшларнинг АКТ соҳасидаги саводхонлигини ошириш, дастурлаш қобилиятларини қўллаб-қувватлаш, дизайн ва “digital development” йўналишидаги имкониятларини ўрганиш мақсадида ташқил этилган форумда бу жиҳат аққол намоён бўлди. Форум иштирокчилари IT-парк ташқил этиш борасида



Гагарин шаҳрининг энг диққатга сазовор нуқталаридан бирига айланиши режалаштирилган ушбу марказ ва у жойлашган Ёшлар истироҳат боғи қурилиши учун 12 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.



жиззахлик ташаббускорларга беминнат қўмақ беришга аҳд қилган “IT Software Technology of India” компанияси раҳбари Жаҳрем Патхасартининг чиқишини қизиқиб билан қутиб олди.

— Муваффақиятсизлик ҳақида сира ўйламаган, — деди ҳинд мутахассиси форум иштирокчиларига қарата. — Ўз лойиҳаларингизни ҳаётга таъбиқ этиш йўлида нафақат дастурлаш ёки дизайн, балки маркетинг технологияларини ҳам пухта эгаллашингиз, ўзингизни мана шу соҳаларда етакчи сифатида ҳис қилишингиз лозим. Сира шухрат орттидан қувманг, шунда у сизни ўзи излаб топади...

“Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси муассислигида ташқил этилган “Жиззах вилояти кўп тармоқли технологиялар парклари ягона дирекцияси” МЧЖдан олинган маълумотларга кўра, Дўстлик—Арносай автойўли ёқасида замонавий технопарк ташқил этиш учун

1,5 гектардан ортқ ер майдони ажратилиб, бунёдкорлик ишларини бошлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда. Туманининг 13 нафар ташаббускор тадбиркори бу ишга бош қўиши тақлифи билан чиққан. Энг муҳими, уларнинг 2 нафари технопарк учун ўз маблағини сарфлашга тайёр бўлса, қолган 11 нафари банкдан 7 миллиард 250 миллион сўм кредит олиш учун барча зарур ҳужжатларни вақтида тақдим этди.

Технопарклар ташқил этиш борасида Шароф Рашидов ва Зомин туманларида ҳам ишлар бошланган. Ҳар икки туманда маҳаллий ташаббускор тадбиркорлар фаол бўлмоқда. Уларнинг фаолият бошлаши учун зарур бўладиган 30 миллиард сўм маблағнинг аниқ манбаларини белгилаш чоралари қўрилаётир.

Пандемия шароитида мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий соҳаси учун инвестициялар жалб этишда АКТни пухта эгаллаган ёшлар кўп нарсани ҳал қилади, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши матбуот котиби Элдор Наврозов. — Шу боис, бу борада вилоятимизда амалга оширилаётган ишлар, режалаштирилган лойиҳалар соҳа учун етук мутахассисларни излаб топиш, уларнинг ривожланган мамлакатлар IT компаниялари билан алоқаларини йўлга қўиш борасида ишончли қадамлар бўлмоқда, дейишга ҳақлимиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Жиззах вилояти маркази ва туманларида барпо этиладиган технопарклар аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар бандлигини таъминлашда муҳим ҳисса қўшади. Рақамлар тили билан айтидиган бўлса, яқин бир-икки йил ичида фаолият бошлаш кутарилиши ушбу таъминлашда 500 га яқин янги иш ўрни яратилади. Бу меҳнат ўринларининг ақсарияти ёшларни, энг қобилиятли, иқтидорли, замон билан ҳамқадам ўғил-қизларни қутаётгани эса яна ҳам қувончлидир.

Сийрат

Мактублар инсонлар ўртасидаги мулоқотнинг ихчам ва таъсирчан шаклларидан биридир. Унда хат ёзувчи билан бирга мактубни олувчининг қалби, кайфияти, орзу-умидлари акс этади, шунинг учун мактуб, хат, нома инсоннинг дил розлари ифодаси сифатида қимматлидир.

САДОҚАТ МАКТУБЛАРИ



SAIDA ZUNNUNOVA 1922 - 1977 SAID AHMAD 1920 - 2007

Музаффар Абдуллаев оingan сурат.

Шоира АҲМЕДОВА, Бухоро давлат университети профессори, филология фанлари доктори

Хат дўсту ёрлардан, қавму қариндошлардан муҳим воқеа ва ҳодисалардан хушхабар келтирган элчи, восита сифатида инсонда ҳаяжонли ҳис-туйғулар кўзгайди. Шунинг учун хат олиш инсон ҳаётидаги ҳаяжонли дақиқаларга, хат кутиш эса ёқимли интизорликка киради, хат инсонга қувонч бағишлайди.

Мактуб инсоний меҳр-муҳаббатдан дарак берувчи ёзма мужда саналади. Узоқ-яқин қариндошлардан, дўстлардан, танишлардан келган хатларни ўқиганда киши қалбида, албатта, бир илиқлик уйғонади, юзига табассум юради. Айниқса, бошига мушкул иш тушиб, яқинларидан узоқда бўлган, тўхмат билан қамалиб, ўзининг ҳақлигини исботлай олмай, ноҳақлик қурбонига айланган, юртидан йироқда қалби ғам-аламга тўлган инсон — ижодкорнинг мактублари унинг инсоний қиёфасини китобхонга ёрқин очиб берувчи калит вазифасини ўтади.

Бу хатларни ўқир экансиз, қалбингизда оғриқ пайдо бўлади, чунки улар бир-биридан узоқда бўлган икки севишган қалбнинг ҳижрондаги дил розларидир. Бунинг устига, мактуб олувчи ҳам ижодкор бўлса-чи, бир-бирини севадиган, энди-гина оилавий ҳаётни бошлаб, бахтдан масрур бўлишга улғуролмай қолган, тўхмат билан ноҳақ қамалиб кетган адиб ва адиба — қиз ва йигитнинг ҳолатини тасаввур қилиб кўринг. Булар ўзбекининг қадрли фарзандлари Саид Аҳмад ва Саида Зуннунованинг ҳаётига, севгисига тегишли мактублар бўлиб, уларни ўқир экансиз, қалбингиз ларзага келади. Адибнинг қизи Нодира тартиб берган мактублар “Саид ва Саида” (муҳаббат ва садоқат мактублари) деб номланади.

Буюқ ўзбек шоири Алишер Навоий ҳам ўз вақтида хатта жуда катта эътибор билан қараб, уни кишилар орасидаги энг муҳим алоқа воситаларидан бири ҳисоблаб, мактубни образли тарзда “ҳижрондаги шуъла, тириклик нишони”, деб таърифлаган. Айнан Саида билан Саид Аҳмаднинг ёзишмаларини ҳижрондаги шуълалар, десак адашмаймиз. Чунки улар қоронғида қолган, ҳижрон азовини тотаётган қалбларга шуъла таратиши, уларга илиқлик улашиши жиҳатидан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Адиб айби нималигини билмай, ноҳақ қамалиб, Қозғистоннинг Жезқозғон деган жойига етиб келгандан кейин онаси ва Саидага хат ёзар экан, яхши кунлар умиди бир лаҳза бўлса-да, уни тарқ этмаганини кўраими: “Ойи, хафа бўлмагане, тақдир экан. Ҳамма вақт оғир кунда яшадим, ҳаётимда бирор кун бахтли бўлмаган эдим. Бахтни излардим ва эндиёна бахт ва саодат деган гапларни тушунган эдим. Беш ойёна бахтли яшадим. Бу қисқа муддатли бахт бир йўла икки кишини бахтсиз қилди. Ноумид эмасман. Ҳақиқат қарор топади. Шунда мен беғуноғ эканлигимни исбот қиларман”. Мактубдаги сўзлар, адибнинг туйғулари ўқувчига ҳам кўчиб ўтади, уларни шу қўйга солган қаттол замонага нафрат уйғотади. Шу билан

“Саид ва Саида” деб номланган тўпلامдан адибнинг 70 та, Саиданинг эса 10 та мактуби ўрин олган. Адибанинг мактубларида бошидан ўтган кунлар, қийинчиликларга қарамай, иродаси мустаҳкам, ўз ёрига садоқатли ҳаққий ўзбек аёлининг тимсоли гавдаланади. Мактублар орқали уларнинг қалбан яқинлигини, севгисига садоқатини ҳис этасиз.

бирга, адибнинг келажакка умид билан қарashi, ҳақиқатга ишониши ҳар бир мактубида ёрқин кўриниб туради.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг турмуш ўртоғи, адиба Саида Зуннуновага ёзган “муҳаббат ва садоқат мактублари”ни ўқир экансиз, ушбу номалар ҳамдард юракларни бир-бирига чамбарчас боглаганини, далда бўлганини дилдан ҳис этасиз.

Ижодкор йигит ижодкор қизга мактуб ёзар экан, ҳар қандай шароитда ҳам ўз эътиқоди-га содиқ қолади, ёзишдан тўхтамайди, севги-лисини ҳам ёзишга, ижоддан тўхтамасликка ундайди: “...Қанчалик руҳий кечинмалар билан яшаётганингизни ҳаёл ва тасаввур кучи билан ҳис қилиб турибман. Нима қилай. Бу бахтсиз пешона шундай оғирлиқларга дуч келади, деб ўйламаган эдим. Ҳа, мен бу ҳақоратларга сазовор эмас эдим. Виждоним ҳам, фикрим ҳам тоза эди, айбсиз айбдор бўлдим. Алам қилар экан. Майли, бу метинлик ҳар қанча иссиқликка ҳам, совуқликка ҳам чидайди. Фақат сизни бахтсиз қилдим. Бу бахтсизликку ўзоқ давом этмайди. Чунки сиз ҳам, мен ҳам бу бахтсизликка сира-сира лойиқ эмасмиз. Ижодий ишни тўхтатиб қўймане. Кўп ёзинг, то қоз кўришгунимизгача улфатимиз қороз ва қалам бўлсин...”. Бу ижода ва севгига садоқат-ни юрагининг тўрида сақлаган, эътиқоди бутун инсоннинг дил розларидир.

Бу хил хатларда марказий қаҳрамон ёзувчининг ўзидир. Унинг ички руҳий олами, ҳис-туйғулари, фикр-қарашлари бадиий ифодаланган хатларда муаллиф ўз аксини топади. Муҳими

Бош муҳаррир: **Салим Дониёров**

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари **Бахтиёр Абдусатторов**

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълоплар: (0-371) 233-57-15

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 2464. 42311 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоши келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй. Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Тил – миллий ғуруримиз



“Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидир. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”.

Абдулла АВЛОНИЙ

МИЛЛАТНИНГ БУЮК ТАРИХИ

Шухрат ҲОТАМОВ, Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти доценти

Ўзликни англаш, маънавий юксалиш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, шунингдек, ажодлар ва авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг, бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили миллатнинг руҳидир.

Ҳар қандай тарихий ҳақиқат тил воситасида, эсда қоладиган ёрқин сўзлар, образлар ёрдамида авлоддан-авлодга етказиб берилмаса, унут бўлиб кетади. Дунё тарихига назар ташласак, қайси мамлакатда миллий тил давлат тилига айланган бўлса ва шу тилда ҳаққоний тарихий асарлар яратилса, уша жойда тараққиёт тезлашиб борганини кўраимиз. Жумладан, ўтган асрларда Англия тараққиётини тезлаштирган энг муҳим омиллар орасида инглиз адабий тилининг давлат тилига айлангани ва бу тилда Шекспир, Вальтер Скотт каби ёзувчилар ёрқин тарихий асарлар ёзиб, ўз халқини дунёга танитгани муҳим роль ўйнаган. Балъакнинг ватани Франция, Гётенинг ватани Германия, Лев Толстойнинг ватани Россия ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Шу нуктада зўр бир тарихий қонуният кўзга ташланади. Аждодлар яратган маънавий бойлиқлар ва эришган ютуқлар кейинги авлодларга тўлиқ етиб бориши, улар ўзларидан олдин эгалланган марраларни қўлдан



бермай, тараққиётни тадрижий равишда давом эттиришлари учун тарих, тил ва адабиёт бирлигида олдинги даврлар тажрибасини кейинги авлодларга тўлиқ етказиб бериши керак.

Шу маънода, бундан салкам минг йил муқаддам яратилган “Девону луғотит турк” ва “Қутадғу билиг” лар тил ва тарихни ўрганишга бағишланган нодир асарлардир. Туркий тилли халқлар минг йил бурун ҳам тарихни ҳаққоний кўрсатиб берадиган, билим ва тафаккурнинг барча нозик кирраларини ифода-лашга қодир бўлган адабий тил яратганини ушбу асарлар кўрсатиб турибди.

Афсуски, ундан кейинги асрларда ўзаро урушлар ва истилолар туркийзабон халқлар тараққиётида узилишлар, инкирозлар юз беришига сабаб бўлди. Аммо темируйлар даврида Алишер Навоий ва Мирзо Бобур ижодларида тарих, тил ва адабиёт қудратли учликка айланиб, янги юксакликларга кўтарилди.

Мамлакатларнинг номларида асрлар давомида турли ўзгаришлар юз бериши жаҳон тажрибасида кўп учрайди. Қадимги Рим салтанати ўрнида Италия, Греция, Франция мамлакатлари пайдо бўлган. Араб халифалиги ўрнида Марокаш ва Жазоирдан тортиб, Яман, Кувейтгача ўнлаб мамлакатлар янги номлар билан дунё харитасидан урин олган.

Биз ҳам жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг тарихий илдиэларини мамлакатимиз ҳудудида пайдо бўлган энг қадимий давлатлар тарихидан излаб топишимиз мумкин. Бундан уч минг йиллар бурунги қадимги

деганди, тил билан боғлиқ муаммолар орқали миллий туйғуларни руқач қилиб, улардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Бугунги кунда республикамиздаги олий ўқув юртиларида турли миллатга мансуб талабалар тахсил олади ва таълим бир нечта тилда олиб борилади. Булар сирасига ўзбек ва қорақалпоқ тилларидан ташқари, рус, қозоқ, туркман, тожик ва қирғиз тилларини киритиш мумкин. Яна бир диққатга молиқ жиҳат — республикамиздаги матбуот нашрлари ҳам турли тилларда чоп этилади, қардош халқлар тилида радио ва телекўрсатувлар тайёрланиб, эфирга берилаётгани юртимизда миллатлараро тотувликни янада муҳташамлашга хизмат қилимоқда.

Муктасар қилиб айтганда, ўзбек тили — бу ўзбек халқининг тарихи. Ўзбек тили — бу ўзбек халқи тараққиёти ва маданияти йўли. Шу боис, ўзбек тилини ўрганиш ва авайлаш муҳим зарурат тақозосидир. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланди.

Ҳар бир тилнинг қудрати шу тилни яратган халқнинг ўзи билан бирга яшасагина, ривожланиб, ўсиб боради. Ўз халқидан ва сарзаминидан узилиб қолган тил табиий кучини, бойлиғи ва гўзаллигини йўқота бошлайди. Демак, эл борки, тил бор. Элдан узилмаган одам тилдан ҳам айрилмайди. Ушбу ҳулосаларимиз Алишер Навоийнинг “Тилга ихтиёр-сиз — элга эътиборсиз”, деган фикрини яна бир бор тасдиқ этади.

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Мусаҳҳиш: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА яқуни — 01:00 Топирилди — 02:15